

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»

фанидан магистрлар учун 4-лаборатория иши

MICROSOFT POWER POINT ГРАФИК МУХАРРИРИДА ПРЕЗЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ



ТОШКЕНТ-2007

Хозирги пайтда «Ахборот технологиялари» фанининг ишлаб чиқаришдаги, жамият ривожланишидаги, илмий, ўқув, ўқув-услубий ишлардаги аҳамияти жуда ҳам бекиёсдир.

Ушбу услубий қўлланма кундузги бакалавр таълим йўналиши бўйича ўқиётган талабаларга «Ахборот технологиялари» фани бўйича лаборатория ишларини бажаришлари учун мўлжалланган бўлиб уларга замонавий ахборот технологиялари тўғрисида чуқурроқ ва мукамалроқ билимга эга бўлишларига ёрдам беради.

Муаллифлар

т.ф.н. доц. Саттарова М.
т.ф.н. доц. Файзуллаев С.Х.
т.ф.н. доц. Турсунов А.У.
асс. Ақромов А.А.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ 4

MICROSOFT POWER POINT ГРАФИК МУХАРРИИДА ПРЕЗЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ .

Ишдан мақсад: Windows операцион тизимида ишловчи Microsoft Power Point график мухарририда ишлашни ўрганиш.

Вазифа: Power Point дастурини ишлатиб мавзуси буйича ишини бажариш..

Назарий қисм

Power Point презентацион (такдимот) графикли дастур каторига киради. Бу дастур ўзида матнлар, расмлар, схемалар, графиклар, анимация эффектлари, овоз, видеоклиплардан иборат бўлган слайдлар ҳосил қилиш имконини беради. Слайдлар кетма-кетлигидан ҳосил бўлган презентацияни компьютер экранига, видеомонитор ва катта экранларда намоиш қилиш мумкин. Презентация тузиш дегани бу слайдлар кетма-кетлигини кўриш ва безагини беришдир. Power Point график мухаррирининг менюси тўққизта бўлимдан иборат. Уларнинг қисқача тавсифи қуйидагича:

Файл- бўлими ёрдамида файлларни яратиш, дискдан ўқиш, ёзиб қўйиш, бошқа ном билан ёзиш, такдимотни чоп қилиш, чоп этилишидан олдин презентацияни кўздан кечириш, дастурдан чиқиб кетиш мумкин.

Правка- бўлими слайдлар устида бажарилган амалларни бекор қилиш ва такрорлаш слайдни олиб ташлаш, слайдларнинг ажратилган қисмини хотирага олиш ва нусхасини қўйиш, ўчириш, белги ёки сўзларни қидириш, бошқасига алмаштириш каби амалларни бажаради

Вид- бўлими ёрдамида слайдни экранда тасвирлаш режимларини ўрнатиш; асбоблар панелларни ўрнатиш, слайднинг экрандаги кўринишини ўзгартириш мумкин

Вставка- бўлими кадрни, расмни, объектни қўйиш, тасвирдаги устки ёзувлар қўйиш, символлар, эслатма, сана ва вақтни қўйиш, гипермуружат қилиш, янги слайд ҳосил қилиш, слайдларни номерлаш амалларини бажариш мумкин

Формат- бўлими шрифтни танлаш, абзац ўлчамларини ўрнатиш, расм, кадр, график ва объектни форматлаш, тайёр шаблонларни слайдларга ўрнатиш ва унга ҳар хил рангларни ўрнатиш амалларини бажариш мумкин


Сервис- бўлими имло хатони текшириш, сўзларни бўғинлаб кўчириш, синонимларни қидириш, текшириш тилини кўрсатиш, слайд ҳақида маълумот бериш, матн ташкил этиш, Power Point параметларини сошлаш каби амалларни бажариш учун мўлжалланган.


Показ слайдов - бўлими презентацияни намоиш қилиш учун, презентацияни сошлаш, презентация вақтини сошлаш, ҳаракат бошланишни ўрнатиш, анимация эффектларини бериш, слайдлар алмашувини ўрнатиш, слайдни яшириш каби амалларни бажариш мумкин

Окно- бўлими янги дарчани очиш, экранда барча дарчаларни тартиблаш имкониятларига эга.


Справка- бўлими Microsoft Power Point дастури ҳақида маълумот олиш, ёрдамчини кўрсатиш ёки олиб ташлаш каби амалларни бажариш учун мўлжалланган.

Power Point дастурини ишга тушириш учун **Пуск-Программы-Microsoft Power Point** ни танлаш лозим. Натижада дастур ўз ишини бошлайди. Дастурнинг чап панелида слайдлар ва уларнинг тузилиши кўрсатилган. Ўнг томонида эса кўрсатмаларни яратишнинг усуллари кўрсатилган. Дастур марказида иш майдони жойлашган бўлиб барча иш шу ерда амалга оширилади.





Ўнг панелдан



сакланган кўрсатмани(презентация) очиш (*Открытие презентации*),
кўрсатмани яратиш ва унинг усуллари:


Новая презентация — янги кўрсатма яратиш;

Из шаблона оформления — шаблонлар орқали яратиш;


Из мастера авто содержания — ёрдамчи ойнани чакириб, у орқали маълумотларни киритиш;

Саклаб қўйилган кўрсатма асосида яратиш (*Создание из имеющейся презентации*) ва шаблонлар орқали кўрсатмаларни яратиш мумкин (*Создание с помощью шаблона*).


Демак биринчи слайдимизни яратиш учун унинг ичига маълумотни киритамиз ва чап панелда сичконча ўнг тугмасини босиб чиққан контекст менюдан «Создать слайд» ни танлаймиз ва иккинчи слайдимизни ҳосил қиламиз. Бу слайдни бошқача кўринишда яратишимиз учун дастурнинг ўнг панелидан ўзимизга ёққан кўринишдаги слайдни танлаймиз.



Иккинчи слайдимизни графикли шаклда яратиш учун пунктини танлаймиз. Натижада иш майдонимиз бошқача кўринишни олади ва биз ўзимизнинг яратган слайдимизга графикани, диаграммани, жадвал ва кинотасвирларни қўшишимиз мумкин, бунинг учун фақатгина керакли кўринишдаги тугмачани босишнинг ўзи кифоя.



Расмли тугмани босиш натижасида биз слайдимизнинг ичига керакли расмни қўямиз. Шу тарзда слайдларни яратиб борамиз.



Ишни бажариш тартиби.

1. Power Point дастурини ишга тушириш.
2. Презентация ва слайдлар билан ишлашни ўрганиш.
3. Асбоблар панели билан танишиб чиқиш.
4. Хохлаган кўринишдаги слайдларни танлаш
5. Танлаган слайдларга ҳар хил тайёр шаблонларни жойлаштириш
7. Слайдларни презентация учун тайёрлаш
8. Презентацияни куриш.

Хисобот қуйидагиларни уз ичига олиши керак:

1. Ишнинг мақсади ва вазифаси.
2. Берилган топшириқлар
3. Ишнинг назарий қисми
4. Ишни бажариш бўйича хисобот.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ю. Шафрин. «Информатика. Информационные технологии». В двух частях. М.: Лаборатория базовых знаний. 2000.
2. М. Пайк и др. Internet С.-Петербург. 1995. 635 с.
3. К. Стинсон, К. Зихерт Эффективная работа в Microsoft Windows 2000. СПб: Питер. 2002. 864 с.
4. Дж. Куртер, А. Маркви. MS Office 2000: Учебный курс. Пер.с англ.С.Танбовского. СПб: Питер. 2002. 640 с
5. Фаронов В.В. Турбо Паскаль 7.0. Начальный курс. Учебное пособие. – М.: Нолидж. 1999.
6. А.Р. Марахимов, С.И. Рахмонқулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари / Ўқув қўлланма. Тошкент. 2001.

Кўшимча адабиётлар.

1. Фигурнов В.Э. IBM PC для пользователя. 7-ое издание - М: Финансы и статистика.,1998.
2. Кенин А. IBM PC для пользователя. - М: Ард-лтд, 1997. 496 с.
3. А. Файсман. Профессиональное программирование на Турбо Паскале. 1992.
4. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари. ЎзМУ. 2000. 126 б.
5. Б. Фок. Internet сначала. Питер:1995. 250 с.

